

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди.....2

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Отабек МУҲАММАДИЕВ. "Ўлбобул калом" асарида "иймон" ва "қадар" масалаларининг ёритилиши.....4
Ўқтам ПАЛВАНОВ. "Ғояту таҳзиб калом фи таҳрир мантиқ вал калом" асарига ёзилган шарҳ, хошия ва таълиқлар.....7
Абдуманнон ИСМАТУЛЛАЕВ. Мирзо Зоҳиднинг "Назм ал-қавоид" асари ва унинг қўлёзмалари.....10
Хуршид САМАТОВ. Маҳдуми Аъзам таълимотида "шариат", "тариқат" ва "футувват"нинг уйғунлиги.....12
Сойибназар КАРИМОВ. Тасаввуф ва футувват: умумийлик ва хусусийлик (Хусайн Воиз Кошифийнинг "Футувватномаи султоний"асари асосида).....13
Васила ЧЎЛИЕВА. Жалолиддин Румийнинг тасаввуфий – ирфоний қарашларида тавба масаласи.....15
Нодир КАРИМОВ. Ҳаким Термизийни АҚШда кашф этган олим.....17
Маъмура РАШИДОВА. Алишер Навоий "Наводирун ниҳоя" девонининг уч қўлёзма нусхаси ва уларнинг қиёсий таҳлили.....20

БАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Абдували АСЛАНОВ. Офаринкентнинг Марказий Суғда тутган ўрни.....22
Феруза АМОНОВА. Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасида тузилган шартномалар ҳамда уларнинг ўлка иқтисодиётига таъсири.....24
Дилноза ЖАМОЛОВА. Россия босқини арафасида Хива-Бухоро муносабатлари.....27
Sherbek RAVSHANOV. Rossiya imperiyasidan Turkistonga ko'chirilgan aholining ijtimoiy ahvoli va ko'chirilish sabablari tarixshunosligi (XIX asrning oxiri XX asrning boshlari).....29
Ўлғубек УМАРОВ. Ўзбекистонда тош даври санъати тарихининг ўрганилиши тарихидан....31
Муҳаммаджон АЗИМБАЕВ. Мустахлак даври адабиётларида мусулмон мактаб ва мадрасаларга доир давлат сиёсатини акс этиши.....33
Ойбек КЛИЧЕВ. Дипломатик ёзишмалардаги қайд ва штамплар.....35
Г. РАЗЗОҚОВА. Хоразм халфақчилиқ санъатининг ўзбек миллий қўшиқчилиги ривожидида тутган ўрни.....37
Санобар ЖЎРАЕВА. Зиёратгоҳлардаги шайх ва хизматчилар фаолияти.....39

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Муҳаммадолим МУҲАММАДСИДИҚОВ. Ислом диний назариясида дунёвий ва диний унсурларнинг бирлашиш жараёни эволюцияси.....41
Моҳира АБДУЛЛАЕВА. "Ахборотлашган жамият"да киберфатволарнинг ўрни.....44
Даврон МАҚСУДОВ. Муфассир билиши зарур бўлган масалалар хусусида.....46
Зебинисо ОДИНАЕВА. Имом Бухорийнинг ўзбек миллий идентиклигининг аксеологик жиҳатдан шаклланишидаги роли.....50
Дилора РАДЖАБОВА. Санкт-Петербургда мусулмон масжидининг қурилиши тарихидан.....52
Rahim YARMATOV, Jumaniyoz SANGIROV. Bo'lajak tarix fani o'qituvchilariga Imom Buxoriy ilmiy merosini o'rgatishda pedagogik texnologiyalarning o'rni.....55
Пўлат ҚАҲҲОРОВ. Миллий ўзликни англаш ва тарихий онгни ўзаро алоқадорликда ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари.....57
Мартаба МЕЛИКОВА. Ёшлар тарихий онги шаклланишида билимларнинг ўрни.....59
Дониёр МУРОДОВ, Феруза МАҲМАСОБИРОВА. Ҳадис адабиётида қисса жанри.....62

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Зулфия ШАКИРОВА. Ғарб ва шарқ олимларининг "жиҳод" ҳақидаги қарашлари.....65
Муҳаммаджон АБДУҲАМИДОВ. Экстремизмнинг ислом ақидаига зид ғоялари.....67

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Шавкат ИКРОМОВ. Араб давлатларида Ўзбекистон ислом маданияти ёдгорликларининг ўрганилиши хусусида.....70
Мавлуда ХОЛБЕКОВА. Шарқ мутафаккирлари илмий меросида бағрикенглик тамойили: жамиятни фаровонлантириш ва комилликни тарғиб қилувчи асос сифатида.....72
У. ЖАМОЛОВА. Электрон архивларда ҳужжатларга онлайн буюртма бериш усуллари ва дастурий таъминоти.....75
Фарход МАМАТКУЛОВ. Ёшларни ахлоқий, маънавий руҳда тарбиялашда оиланинг ўрни.....77
Аслиддин ҚУЛДОШЕВ. Халқаро экологик муносабатларда бағрикенглик тамойиллари.....78
Мансуржон МАМАДАЛИЕВ. Ўзбек миллий-этниқ анъаналарининг эволюцияси ва ахлоқий-эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни.....80
Санжар МАМАТКУЛОВ. Глобаллашув ва инсон ижтимоий-маънавий қиёфасининг трансформациялашуви.....82
М. УСМАНОВ. Оила мустақамлаги – давлат қудрати гарови.....84
Ҳасанжон ПУЛАТОВ. "Харакатлар стратегияси" контекстида инсон тараққиёти масалалари.....87
Рамз РУСТАМОВ. Миллий маънавий тарғибот системасини такомиллаштириш йўллари.....89
Сардор УМАРОВ. "Ўзбекистон-Германия" дўстлик жамияти – халқ дипломатияси доирасида дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлаш омили.....92
Муҳиддинжон ТЕШАБОВЕВ. Глобаллашув шароитида инсон ва жамият ахлоқий маданияти.....94
Ўткиржон ХОШИМОВ. Ўзбекистон Олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқалари.....97
Акбар САИТҚОСИМОВ. Инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигининг фалсафий таҳлили.....101

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Дилбар ФАЙЗИХОДЖАЕВА. Абу Ҳомид Ғаззолий: мантиқ илмини ўрганиш керами?.....104
Ислом ҲАМДАМОВ. Хожа Ахрор Валий фалсафасида инсонпарварлик ахлоқий қарашлар.....106
Дилбар САГДУЛЛАЕВА. Жамият модернизациялашувининг баъзи фалсафий жиҳатлари.....109
Шаҳноза ТУРСУНҚУЛОВА. Шахс эстетик онгининг мураккаблиги ва синергетик хусусияти.....111
Ro'zigul BOZOROVA, Nodira NAIMOVA. Falsafa qirg'oqlaridan, hayot dengiziga bir nazar.....114
Гулчехра ҒАФҒАРОВА. Фанлараро ёндашув методологиясининг зарурияти.....116

ЯНГИ НАШРЛАР

Ибодулла МИРЗАЕВ. Мовароуннахр халқлари ҳаётида сўфийлик.....119

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

Нодир ҚОБИЛОВ. Расулulloҳ қайтарган уч амал.....120



Muassis:

IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

TAHRIR KENGASHI:

U. Alimov, A. Mansurov,
A. Berdimurodov, A. Hasanov,
B. Abdualimov, A. Mannonov,
B. Matboboyev, B. To'rayev,
J. Yaxshilqov, Z. Islomov, Z. Munavvarov,
I. Saidov, M. Muhiddinov, N. Ibrohimov,
U. G'ofurov, Sh. Sirojiddinov, U. Uvatov,
B. Karimov, Ashirbek Mo'minov
(Qozog'iston), Devin Di Uis (AQSH),
So'nmaz Kutlu (Turkiya),
Ingeborg Baldauf (Germaniya)

Bosh muharrir:

Shovosil ZIYODOV

Bosh muharrir o'rinbosarlari:

Otabek MUHAMMADIYEV,
Ne'mat JABBOV

Musahhih:

Olim DJURAYEV

Sahifalovchi-dizayner:

Muhammadiqbol SHUKUROV

Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy
Attestatsiya Komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Din ishlari bo'yicha Qo'mitaning
2019 yil 9 martdagi, № 12730-sonli
xulosasi asosida tayyorlandi.

Maqolada keltirilgan ma'lumotlar
uchun muallif mas'ul.

Manziliimiz:

141306, Samarqand viloyati, Payariq
tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.

E-mail: buxoriy_saboblari@mail.ru

Veb-sahifa: www.bukhari.uz

Telefonlar: (0366) 240 2019,

+99893 355-76-64.

Faks: (0366) 240 2011.

Bosishga 26.03.2019 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz bichimi 60x84 1/8.

Ofset bosma usulida bosildi.

Bosma tabog'i 7,5.

Adadi – 500. Buyurtma №.....

Nashr indeklari – № 946, № 947.

ISSN 2181-4791

Jurnal 2009 yil 7 yanvarda O'zbekiston
Matbuot va Axborot agentligi tomonidan
№ 0057 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Bir yilda to'rt marta chop etiladi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda
manba qayd etilishi shart.

Tahririyat fikri mualliflar
fikridan farq qilishi mumkin.

Jurnal andazasi tahririyatning kompyuter
bo'limida tayyorlandi.

Jurnal "RELIABLE PRINT" MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, Chorsu maydoni, 3-A bino

ҲАДИС АДАБИЁТИДА ҚИССА ЖАНРИ

Дониёр МУРОДОВ
ЎзХИА т.ф.н.,
Феруза МАҲМАСОБИРОВА
ЎзХИА магистранти

Қисса мусулмон адабиётида учрайдиган ўзига хос ривоят тури. Қисса орқали Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни огоҳликка даъват қилганлар. Қиссаларнинг ишончлиси билан бирга ишончсизли ҳам мавжуд.

Таянч сўзлар: ҳадис, қисса, ривоят, адабиёт, тарих, қиссачи, маддоҳ.

The story is a kind of narrative that can be found in Muslim literature. Through the narrative, the Messenger of Allah (peace be upon him) urged Muslims to be vigilant. Along with reliable stories there are also unreliable stories.

Рассказы это своего рода повествование, которое можно найти в мусульманской литературе. Посредством повествование Посланник Аллаха (мир ему) призывал мусульман к бдительности. Вместе с достоверными рассказами также существуют недостоверные рассказы.

Ҳар бир халқ ва динда аввал ўтганлар ҳақида хабар бериш кўринишларидан бири қисса услубида амалга оширилган. Бу ривоятлар орқали кишилар эслатма ва ўрнатки олишлари назарда тутилган. Исломда ҳам олдинги ўтган халқлар ҳақидаги маълумотларнинг узатилиш йўллари билан бири қисса кўриниши орқали амалга оширилган.

Қисса сўзи араб тилида тарих, ҳикоя, қисса, новелла, оғзаки хабарлар, ривоят қилинган хабарлар, янгиликлар деган маънони англатади. Шунингдек, Қуръони каримда ҳам бир неча ўринларда Аллоҳ ўтган умматлар ҳақида сўзлаб бериб уларни қисса деб ном берган. Жумладан, “(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга ўтиб кетган (авлод)лар хабарларидан шу тарзда (қисса қилиб) сўзлаб берурмиз” (Тоҳа, 99), “Ана шу Биз Сизга (эй, Муҳаммад!) қиссасини айтаётган шаҳарларнинг хабарларидандир” (Худ, 100) “Бас, (Мусо Шуайбнинг хузурига) келиб, унга ўз қиссасини, сўйлаб бергач” (Қасос, 25), “Биз Сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз” (Юсуф, 3) оятларини келтириб ўтиш мумкин.

Истилоҳий маънода қисса деб бирор нарса, кимса ва улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган ҳикоя, нақлга айтилади. Адабиётда эса, воқеий ҳодисалар баён қилинадиган асарларга ҳам ишлатилади [6: 113]. Қисса айтувчилар қиссахон, қиссагўй, қиссачи ёки маддоҳ* деб номланади.

Арабларда қисса деб бирор нарсанинг изидан, ортидан юриш ҳам тушунилади. Масалан, Мусо алайҳиссаломнинг оналари болани дарёга сандиқчада қўйиб юборганларида қизларига, яъни Мусо алайҳиссаломнинг опасига шундай деганлар: “Унинг (ортидан) тушгин!” (Қасас, 11) ёки бошқа ўринда Мусо алайҳиссалом хизматчилари билан “Сўнгра (Хизрни) қидириб, изларига қайтдилар” (Қаҳф, 64) оятларида “қасас” сўзи юқоридаги маънода ишлатилган. “Қасос олиш” деганда ҳам қасос олувчини аввалги ишни содир қилган одамнинг ишига эргашиши назарда тутилади.

Қисса ва хабар орасида умумий ва хусусий фарқлар мавжуд. Қисса хабар ҳисобланади, аммо ҳар бир хабар қисса бўла олмайди. Жумладан, Аллоҳ осмонлару ерни, фаришталарни, жинларни яратиши ҳақидагилар, шунингдек, пайғамбарлар, уларнинг оталарининг исмлари хабар бўлиб, қисса ҳисобланмайди. Аммо пайғамбарларнинг қавмлари билан зикр қилиниши,

яхшилар ва фожирлар орасидаги кураш кабилар қиссадир [7: 12].

Адабиётда, воқеа-ҳодисалар ҳақида оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган эпик асар, ҳикоя, ривоятга қисса деб айтилади. Қисса романдан торлиги, ҳикоядан кенглиги, романга нисбатан соддалиги ва ҳикояга нисбатан мураккаблиги билан ажралиб турадиган бадиий асар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, адабиётда қисса ҳикоя ва роман каторидаги учта асосий жанрдан бири. Қиссани кўп халқларда учраб турадиган энг қадимий адабий фан дейиш ҳам мумкин**.

Олимлар ўз тадқиқотлари давомида қиссаларни адабиётнинг бошқа турларидан ажратиб турадиган ўзига хос услублари борасида қуйидаги хулосаларни айтиб ўтганлар. Буларни ислом манбаларидаги қиссаларда ҳам кўриш мумкин:

- ривоят услубининг умумий сифати. У шу даражада кетма-кет ва бир бирига боғланган бўладики, ўқувчи уни ҳар доим қайсидир мақсадни ифода этишини сезади ва охиригача диққат ва кизиқишда бўлади;
- қисса мантикий ўзаро бир-бирига мос тартибли, қисқа келтирилган бўлади ҳамда ундан аҳамиятсиз тафсилотлар тушириб қолдирилади;
- қисса, тавсиф, диалогларда услуб турли хил бўлади;
- ўқувчи қиссада бўлаётган воқеаларга боғланиб қолиши учун иборалар осон ва аниқ тузилган бўлиши керак;
- қисса узлуксиз келмайдиган, матнда тушуниладиган бош маънога эга бўлади [7: 12-13];
- асосий қаҳрамон атрофига бирлашган бир неча персонажлар мавжуд бўлади;
- бош қаҳрамон ҳаётида рўй берган барча воқеаларни батафсил тасвирлаш шарт эмас, шунинг учун шахс ҳаётининг маълум даври ёритилиши лозим. Шунда ҳам шахснинг бир ёки бир неча эпизоди танлаб олинади;
- қисса қаламга олган ижтимоий мазмун кенг ва чуқур бўлади;
- қисса мураккаб ҳаётий жараёни, кенг камровли воқеаларни узлуксиз равишда тасвирламайди [10];
- қисса халқона иборалар ишлатган ҳолда инсонга психологик таъсир ўтказиш воситаларидан бири ҳисобланади [5].

Бошқача қилиб айтганда, қисса бир инсон ҳаётининг маълум даври, маълум вазиятлари, маълум руҳий

* Маदдоҳ араб тилида, мақтовчи, мадҳ қилувчи, ҳикоя айтувчи маъноларни билдиради. Руслар Ўрта Осиёни босиб олганда қиссачилар маддоҳ номи билан юритилган. Россия исперияси давридаги маддоҳлар фаолияти ҳақида батафил маълумот проф. А. Эркиновнинг «Исламский институт маддахов-проповедников в Туркестанском крае: идеологизация русской административной репертуры их проповедей» (ARS Islamica. – Moskov: Nauka – Vostochnaya Literatura, 2016. – PP. 746-796) номли мақоласида берилган.

** Ғарбий Европа ва Америка адабиётида “қисса” тушунчаси бўлмагани учун уларда романдан бошқа барча насрий асарлар “новелла” номи билан аталган. Рус адабиётида “повесть”, “повествование” атамаси мавжуд бўлиб, бирор воқеани кенгроқ ҳикоя қилиб бериш тушунилади. Шунингдек, қиссани манокӣ билан фарқи бор. Манокӣ фазилат маъносини билдиради ва бирор кишининг фазилатига бағишлаб ёзилган китоблар жанрига айтилади. Қиссада салбий образлар ҳам келтирилади.

ҳолатлари ҳақида субъектив тарзда ҳикоя қилувчи, роман, новелла ва ҳикояга хос айрим ўзига монанд хусусиятларидан холи бўлмаган мустақил жанрдир [8: 19].

Аммо Қуръони карим ва ҳадислардаги қиссалар ҳозирда ривожланган адабий қиссадан жуда қисқа ифдаланиши билан фарқ қилади. Жумладан, Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган қисса-ҳадисда “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундай дедилар: “Икки аёл бўлиб, уларнинг ўғилчалари ўзлари билан бирга эди. Ногаҳон бир бўри келиб, улардан бирининг ўғилчасини олиб кетди. Шунда ўғилчасини бўри олиб кетган аёл дугонасига: “Бўри олиб қочган бола сенинг боланг эди!” – деди. Дугонаси эса: “Йўқ, у сенинг боланг эди!” – деди. Кейин, улар жанжаллашиб Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига боришди. У киши аёллардан ёши каттасининг фойдасига ҳукм чиқардилар. Шундан сўнг, улар Сулаймон ибн Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига боришди. У киши: “Пичоқ келтиринглар, болани иккингизга бўлиб бераман!” – деган эдилар, ёши кичик аёл: “Худо хайрингизни берсин, бундай қила кўрманг, бу унинг боласи!” – деб ёлворди (чунки, у ўз боласига ачиниб, ҳатто тирик қолиши учун ундан воз кечишга тайёр эди). Шунда Сулаймон алайҳиссалом ёши кичик аёл фойдасига ҳукм чиқардилар”.

Қиссаларнинг диний, таълимий, яхшиликка чорлов ва ёмонликдан қайтариш, ваъз-насиҳат қилиш, тавбага чақириш ва бошқа мақсадлари бўлган. Шу билан бирга қиссачилик ҳам бу мўъжизакор, азалий-абадий оқибатни тез-тез ёдга тушириб туради [9].

Шунингдек, қиссалар адабиётнинг ўзига хос жанри бўлиб, инсонлар унга қаттиқ боғланиб, кучли яхши кўриб қоладилар, унга эргашадилар, қалбларини уйғотадилар. Бугунги кунга келиб қиссаларнинг турлари кўпайди. Яъни, ривоятлар-ўхшаш вазият ва ҳолатда бўлган шахсларнинг узун ва кўп ҳикояси, қисқа, ҳаёлий (фантастик), воқеавий, рамзий, лирик***, муаллиф фикрга чорлаш мақсадида ҳайвонлар тилидан сўзловчи ҳаёлий ва ҳайвонлар ҳақидаги қиссаларни келтириб ўтиш мумкин****.

Қиссаларнинг энг афзали ва бирорта тўқима образлари йўқлиги ҳамда фақат воқеликда бўлганларини тасвирлаб берадиган Қуръоний қиссалар ҳисобланиб, уни “...гўзал қиссани айтиб берурмиз” (Юсуф, 3) дейилганидан билиб олиш мумкин****. Унда Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламдан олдин ўтган пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари оқибатлари келтирилган. Жумладан, Юсуф, Солих, Иброҳим, Мусо ва бошқа пайғамбарларнинг қиссаси, бундан ташқари солих инсонлар – гор эгалари ва бошқалар ҳамда гуноҳкор кишилар – Фиръавн ва бошқа шу қабила борасидагилар, шу билан бирга кишиларнинг номи зикр қилинмасада қилган ишлари айtilганлари ҳам бунга мисол бўлади.

Қуръони карим қиссаларидан кейинги ўринда турувчи қиссалар Набавий, яъни Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам айтиб кетган ҳадислардаги қиссалар саналади. Уларда келган қиссалар ҳақиқатда тарихда бўлиб ўтганлиги ва аниқлиги билан бошқалардан

ажралиб туради. Жумладан, Қуръонда “(Эй, Мухаммад!) Биз Сизга уларнинг хабарини ҳақиқатан айтиб берурмиз” (Каҳф, 13), “Албатта, бу воқеий қиссадир” (Оли Имрон, 62), “Уларга, албатта, (қилмишларини) билган ҳолда сўзлаб берурмиз. Биз ғойиб эмасмиз” (Аъроф, 7) деб марҳамат қилинади.

Ҳадисларда зикр қилинган қиссаларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Бири Қуръони каримда айtilган қиссаларга шарҳ сифатида келтирилганлари бўлса, масалан, Хизр ва Мусо алайҳиссаломлар орасида бўлган воқеани имом Бухорий ҳам ўз “«Саҳиҳ»ида келтирган [1: 31-43], иккинчиси, Қуръонда келмаган қиссалар зикри, масалан, Бани Исроилдаги пес, кал ва кўр ҳақидаги ҳадис [1: 857]. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бошқалар ҳақида қисса айтган бўлсалар [4: 36-37], у зотнинг ўзлари ҳаётлари давомида учраган воқеаларни ҳам қисса дейиш мумкин. Чунончи Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кўксиларининг ёрилиши, исро ва меърож воқеалари қабила ҳам алоҳида ўрганиладиган қиссалар ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Қуръон ва ҳадисларидаги қиссалар инсонлар ёки муайян қабилалар хабардор бўлган воқеаларни зикр қилган. Ўтган умматларнинг ҳолатлари ҳақида фикр юритишлари, ўзларини уларга қиёс қилишлари ва натижада ўзлари учун ибрат олишлари, агар ўтганлар золим бўлсалар, тафаккур қилиб уларнинг йўлларида узоқлашишлари, агар солих бўлсалар, улардан насиҳат, ибрат ва намуна олишлари учун ҳикоя қилиб берилган. Жумладан, Қуръони каримда “Бу қиссаларни (уларга) айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар!” (Аъроф, 176), “Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун (катта) ибрат бордир” (Юсуф, 111) дейилган.

Зеро, пайғамбарлар ва даъватчилар ўтган одамларнинг қиссаларидан насиҳат олишган. Қуръоний ва ҳадиси набавий қиссалар имонли қалбларни мустаҳкамлайдиган, доимий нафсларни яхшилик ила суғорадиган заҳира ҳисобланади. Чунончи, “Сизга (эй, Мухаммад!) Пайғамбарларнинг хабарларидан дилингизга сабот бахш этадиганларини айтиб бермоқдамиз” (Худ, 120) оятидан билиш мумкин. Ер юзидаги инсон ҳаёти ўз йўлида собитқадамлиги ва йўлдан тойилишида инсоний намуналар билан тўла. Шунинг учун ҳам, Қуръони карим ва ҳадис қиссалари кишиларга турли воқеаларни сўзлаб беради ва уларда инсон ўзлиги ҳамда атрофдагиларга бўлган муносабати ўзгаради. Гўёки, у матнлар бир кишининг қиссасини сўзлаб туриб, инсонга ўзини қийнаётган муаммо ҳақида сўзлайди ёки у бировни қиссасини ривоят қилиш билан бирга, бизнинг орамызда яшаётган одил кишиларни ёки ер юзида фасод қилиб юрган золимларни, гоҳида эса, у оддий инсонларнинг ҳолатидан намуналар айтиб беради. Баъзида у ҳақида сўзланаётган киши солих бўлади ёки тўғриси ўз ишончли тижоратчи ёки раҳмдил инсон бўлади [7: 15].

Замонавий таълимда ҳам ҳикоя методи кенг қўлланилади ва у шахс, айниқса, болалар томонидан билим, кўникма ва одатларни пухта ўзлаштиришга

*** Қуръон ва ҳадисларда фантастик, яъни ҳаёлий, рамзий, лирик каби қиссалар учрамайди. Балки аниқ ўтган воқеа ёритилади. Агар ҳайвонлар тилидан ёритилган қисса бўлса, бу ваҳий орқали билдирилган деб ҳисобланади.

**** Доктор Мухаммад ибн Ҳасан Зубайр «ал-Қасас фи-л-ҳадис ан-набавий» асарида қиссаларнинг олти хил турини кўрсатиб ўтган. Улар: 1. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётларида бўлиб ўтган; 2. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бирор нарсани ўхшатишлари; 3. Тарихга оид; 4. Келажакда бўладиган воқеалар; 5. Қайта тирилиш ва қиёматга оид; 6. Ҳайвонларга оид қиссалардир.

***** Қуръондаги ҳар бир қисса ўзига хос услубда берилган. Масалан, пайғамбарлар қиссаси битта суранинг бир жойида мукаммал тарзда берилмай, балки бир сурада бир воқеанинг ярми баён қилинган бўлса, бошқа сурада унинг давоми, бошқасида эса муфассалроқ баён этилган. Бир воқеанинг баёни турли сураларда турлича лафзлар билан келтирилган.

ёрдам беради. Дарҳақиқат, қисса-ҳикояларни айтиб бериш шахс, ўқувчи диққатини тез ўзига тортиб, эшитиш истагини ҳаракатга келтиради ва воқеаларни кузатишга нисбатан хоҳиш ўйғотади. Шу сабабли барча қавмларда жуда қадимдан таълим-тарбияда қиссалардан фойдаланиш кенг тарқалган эди. Қуръони каримда таълим-тарбиявий мақсад – инсонларнинг нафсини тарбиялаш, уларга ўғит беришда ибрат ва ҳикматларга қараганда қиссалардан кўпроқ фойдаланилган. Муқаддас манбада қисса, ҳикояларнинг инсон таълими, тарбиясига таъсири шундай ифодаланган: “Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун (катта) ибрат бордир” (Юсуф, 111).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам саҳобалар орасида тарбиявий ғояларни тарғиб қилишда қиссалардан самарали фойдаланганлар. Зеро, уларнинг эътиборини тортиш, уларда келтирилган ҳикмат ва ўғитлар моҳиятини англашда қиссалар катта тарбиявий таъсирга эга. Шу билан бирга Аллоҳнинг элчиси ўз фаолиятларида саҳобаларга ислом дини моҳиятини уқтиришда ҳикоялардан ҳам унумли фойдаланганлар. Ҳикоялар орқали Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни Аллоҳга, ўзларига, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга имон келтириш, инсонларга марҳамат кўрсатиш, улар билан яхши муносабатда бўлиш, Аллоҳнинг розилиги йўлида тақво қилиш ва фарз амалларни бажариш, мўмин қиёфасида намоён бўлиши зарур бўлган хулқ ва хислатларга эга бўлишга даъват этганлар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мусулмон олимлар қиссаларни алоҳида китобларга таълиф этганлар. Бироқ турли соҳа эгалари ва илмий савияга эга бўлмаган кишилар ҳам қиссаларни қоғозга тушурганларки, уларнинг ичида заиф ҳамда сохта, тўқима образлар ҳам кўпайиб кетган. Натижада, оддий ўқувчи ҳақиқийсини сохтасидан ажрата олмаган. Бу ҳолат ҳадис илмини ҳам четлаб ўтмаган [2: 365-367]. Чунончи ҳадис илми олимлари муаррих эканликлари эътиборидан қиссалар ҳақидаги маълумотларни ўз асарларида ёритиб берганликлари билан бошқа соҳа мутахассисларидан ажралиб турадилар.

Ислом тарихида хулафои рошидинлар даврининг

охирида қиссачилар пайдо бўла бошлаган [3: 210]. Қиссачиларнинг асосий мақсадлари: атрофида одамларни йиғиш ва одамларни эхсонга ундаш (пул талаб қилиш) бўлган. Шунинг учун бирор қиссани ёритиш жараёнида, ўша қиссани янада “чиройлироқ” ва “фойдалироқ” чиқариш “асосли бўлиши” мақсадида сохта, яъни ўзлари тўқиб чиқарган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаган ҳадислардан ҳам фойдаланганлар*****.

Қиссачилар ишончли иснодларга таянган ҳолда қисса-ҳадислар тўқиб бобида энг илғор кишилардан бўлганлар, чунки содда кишилар уларга яхшигина ҳақ тўлганлар. Қиссачилар одатда одамлар кўп тўпланадиган жойда фаолият олиб борганлар. Бу каби ҳолатда улар ўз қиссаларига ҳадислардан, ҳадисдаги қиссаларга эса ўзлари ўйлаб топган ривоятларни киритиб ўзларини илм аҳлига ўхшатганини ва кўплаб кишиларни йўлдан оздирганлар.

Хулоса қилиб айтганда, қиссалар ислом тарихида ўзига хос ўринга эга бўлиб, асосан шарқ халқларида учрайдиган адабиёт жанри. Қисса тарихида ўтган машхур киши, бир неча кишилар ёки бир халқ ҳаётини муайян даврини қисқача ёритиб беришда ва улардан ибрат олишга қаратилган мухтасар ҳикоя тури. Бироқ ислом тарихидаги ва халқ орасида тарқалган қиссалар билан уларнинг фарқи мавжуд.

Шунингдек, қиссаларни ривоят қилувчи кишиларнинг саводига қараб уларнинг ривоятларидаги баъзи образлар ёки ҳадислар асосли ёки асоссиз бўлади. Халқорасида қиссачилик билан шуғулланадиганларнинг асосий қисми пул топишни мақсад қилиб олганлар. Шунинг учун қиссалар ёзилган асарларнинг ишончли ва ишончсизлари ҳам учрайди. Ҳадисларда учрайдиган қиссаларни ёритишда ҳам бу ҳолатлар учраб туради. Бироқ мусулмон олимлар ҳадисларда учрайдиган қиссаларни алоҳида китобларга жамлаганлари ва уларни сохта ривоятларсиз амалга оширганларини ҳам таъкидлаш зарур.

Ҳадисдаги қиссалар мусулмон олимлари томонидан алоҳида ўрганилган ва муайян китобларга ёзилган. Ҳозирда қиссалар орқали ислом динига даъват қилишда кенг фойдаланилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Имом Бухорий. Саҳиҳ. – Димашк: Дор Ибн Касир, 2002.
2. Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-Ҳадис ва-л-муҳаддисун. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1984.
3. Муҳаммад Ижож Хатиб. Ас-Сунна қобла ат-тадвин. – Байрут: Мактаба Ваҳба, 1981.
4. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012.
5. Ражапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Фан ва таълим полиграф, 2018.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
7. Умар Сулаймон Ашқар. Саҳиҳ ал-қасас ан-Набавий. – Урдун: Дор ан-нафоис. 1997.
8. Холдаров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Фан ва таълим полиграф, 2017.
9. Шермуродов Т. Қиссалар, алқиссалар... / <http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/550-maqola.html>.
10. <https://referat.arxiv.uz/index.php?do=files&op=download&fileid=63024>.

***** Қиссахонлар одатда ҳадис илмидан беҳабар кишилар бўлиб, улар халқ орасида обрў ва ишончга эга бўлиш учун турли мазмундаги қиссаларни сўзлашни ўзларига касб қилиб олган шахслардир. Одамлар табиатан эшитилмаган гаплар, турли мазмундаги қиссалар, мутлақо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга алоқаси бўлмаган, аммо у зотга нисбат бериб тўқилган ривоятларни яхши кўриб эшитадилар. Шу сабабли ҳам қиссахонлар оддий халқ орасида анчагина ҳурмат ва ишончга эга бўлиб олганлари, ҳатто дин уламоларидан ҳам ортиқроқ мақомга эга бўлганлари учун, муҳаддисларнинг улар билан мулоқоти осон кечмаган, улар яратган иғво ва бўҳтонларни енгил осон бўлмаган.